

**ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИЛГАН ШАХСЛАР УЧУН УМУМИЙ ТАЪЛИМ  
ВА КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ****Қувонч Қодиров**

ЎзР ИИБ Академияси Жазони ижро этиш фаолияти кафедраси доценти.

Тар.ф.б.ф.д., доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7575078>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сон ва «Озодликдан маҳрум этилган шахсларни меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 29 январдаги ПҚ-4138-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 апрелдаги “Озодликдан маҳрум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-хунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 318-сонли қарори имзоланди.

Унга биноан, мамлакатимизда бутун ички ишлар органларидаги каби озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш тизимида ҳам бир қанча ислохотлар ўтказилди. Собиқ Иттифоқ даврида жазони ижро этиш тизими муайян даражада мавҳумлиги билан бирга, дунёдаги энг қаттиққўл тизим сифатида шаклланди. Айниқса, ўтган асрнинг 30–50-йилларидаги қатағонлар натижасида ушбу даврдаги озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш тизимини нафақат дунё ҳамжамияти, балки кейинчалик собиқ Иттифоқнинг кенг жамоатчилиги томонидан ҳам қаттиқ танқид қилинди. Бунинг асосий сабаблари ўша даврда инсон ҳуқуқларининг ниҳоятда қўпол тарзда поймол этилганлиги ва жазо ижросини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда инсонпарварлик принципларига мутлақо риоя этилмаганлигидир.

Истиқлолга эришгач, 1997 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг қабул қилиниши ва ўша йилнинг 1 октябридан амалга киритилиши республикамиз жиноят-ижроия тизимида айтиш жоизки, муҳим қадам бўлди. Янги қабул қилинган кодексда нафақат озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этувчи муассасалар фаолияти, балки озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари анча кенгайтирилган ҳолда талқин қилинди. Жумладан, аввалги ахлоқ тузатиш-меҳнат қонунчилигида маҳкумларнинг ҳуқуқий мақоми бир моддада кўрсатилган бўлса, эндиликда маҳкумларнинг ҳуқуқий мақоми алоҳида боб билан мустақамланди. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг халқимизнинг бунёдкорлиги туфайли халқ хўжалиги ва аҳоли турмуш тарзининг барча жабҳаларида катта ўзгаришлар, ижобий юксалишлар рўй берди. Айниқса, сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар, шунингдек жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш ва уни амалиётда самарали қўллаш механизмининг яратиш устувор вазибалардан бири сифатида белгиланди ҳамда биринчи галдаги эътибор жинойий жазоларни либераллаштиришга қаратилди.

Шунингдек, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда таълим-тарбия ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бир қатор умуммиллий дастурларнинг таълим тизимига муваффақиятли жорий этилиши натижасида мамлакатимизда таълим- тарбия ишлари бутунлай янгича тус олди.

Инсон камолотида билим эгаллаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Сабаби келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, мамлакатнинг эртанги куни қандай бўлиши бериладиган таълим ва тарбияга боғлиқ. Шу сабабли Мамлакатимиз Конституциясининг 41-моддасига кўра “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга” деб номланади. Унда бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади деб қайд этиб ўтилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 7-моддасига мувофиқ, маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига умумий ва хунар таълими, касб тайёргарлиги ҳам кириши белгилаб берилган.

Ҳалқимизнинг “Илмли билимли бўлади, билимли тарбияли бўлади” деган нақли бор. Шундай экан, жинойи жазога ҳукм қилинган шахсларда қонунга итоаткорлик, жамиятда юриш-туриш қоидаларига ҳурмат муносабатини шакллантиришда уларга таълим олиш ва касб-хунар ўрганишга кўмаклашиш, бошқа шахсларни ҳурмат қиладиган фуқаро сифатида тарбиялаш муҳим вазифа ҳисобланади. Жазони ижро этиш муассасаларидаги маҳкумларнинг умумий ўрта ва касб-хунар таълими ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришдаги касб тайёргарлиги ташкил этилади. Ўқув жараёни ва касбга ўргатишни ташкил этиш таълими органларининг норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ равишда ҳамда сақлаш режими, кун тартиби ва турли тоифадаги маҳкумларни батамом ажратиб қўйиш қоидаларига риоя этилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Муассасаларнинг маъмурияти мактаблар ҳамда касб-хунар таълими йўналишидаги ўқув даргоҳлари ишига ҳар тарафлама ёрдам беради ҳамда ўқув жараёнини назорат қилиб боради.

Маҳкумларнинг таълим олиш жараёнида улар таълим-тарбияси билан шуғулланувчи ҳар бир мураббий маҳкумларни баркамол инсон қилиб етиштириш учун умумбашарий қадриятлардан баҳраманд бўлишларига эътибор бериб, урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз, буюк мутафаккирларимизнинг маънавий меросини яхши билиши ва уларни дарсларга татбиқ этиши лозим бўлади.

Қабул қилинган мазкур қарорнинг 2-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг: Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Пробация ва жазоларни ижро этиш бўлими Тарбия колониясининг 5-умумтаълим мактабини Зангиота тумани халқ таълими бўлимининг 35-умумтаълим мактабига бирлаштирилди ҳамда Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Пробация ва жазоларни ижро этиш бўлими Тарбия колониясининг 5-умумтаълим мактаби мулкӣ негизида ушбу умумтаълим мактабининг филиали ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-хунар таълими марказининг

жазони ижро этиш муассасалари ҳудудида жойлашган касб-хунар таълими муассасалари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилди ҳамда уларни касб-хунарга ўқитиш марказларига айлантирилди.

Ўтган қисқа даврда озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг умумий ўрта таълим олиши учун олти жазони ижро этиш муассасаларида умумтаълим муассасаларининг фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Биринчи минтақавий ҳудуд 24-сон тарбия колониясининг 5-умумтаълим мактабининг филиали;

2. Тошкент вилояти Зангиота тумани халқ таълими бўлими 35-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Биринчи минтақавий ҳудуд 21-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги филиали;

3. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани халқ таълими бўлими 12-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Биринчи минтақавий ҳудуд 7-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги филиали;

4. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими 22-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Биринчи минтақавий ҳудуд 13-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги филиали;

5. Навоий вилояти Навоий шаҳар халқ таълими бўлими 4-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Бешинчи минтақавий ҳудуд 4-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги филиали;

6. Навоий вилояти Қизилтепа тумани халқ таълими бўлими 5-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Бешинчи минтақавий ҳудуд 5-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги филиали.

Қарорнинг 4-бандида қайд этилганидек: Умумтаълим мактабларининг жазони ижро этиш муассасалари қошидаги филиаллари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тегишли туман (шаҳар) бўлимларига бўйсундирилди. Умумтаълим мактабларининг жазони ижро этиш муассасалари қошидаги филиалларида ўқувчи маҳкумлар сонидан қатъий назар синфлар очишга рухсат этилди.

Умумтаълим мактабларининг жазони ижро этиш муассасалари қошидаги филиаллари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари жазони ижро этиш муассасалари ҳудудида жойлаштирилди. Касб-хунарга ўқитиш марказлари мустақил юридик шахслар ҳисобланиши ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосланган буюртманомалари бўйича ташкил этилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфида бўлиши белгиланди.

Касб-хунарга ўқитиш марказларида маҳкумларнинг муайян турдаги ишларни бажариш учун зарур касбий билим ва меҳнат кўникмаларини эгаллашини тезлаштиришга қаратилган ўқув режалари ва дастурлари асосида таълим бериладиган бўлди.

Марказ раҳбарлари, педагоглари ва бошқа ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази касб-хунар таълими муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган базавий тариф ставкаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этиладиган бўлди.

Яна тўртта муассасада касб-хунарга ўқитиш марказлари иш бошлади. Улар:

1. Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Пробаця ва жазоларни ижро этиш бўлими 21-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги 22-сон касб-хунар мактаби.

2. Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Пробаця ва жазоларни ижро этиш бўлимининг Тарбия колонияси қошидаги 24-сон касб-хунар мактаби.

3. Қарши қурилиш касб-хунар коллежининг Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Пробаця ва жазоларни ижро этиш бўлими 2-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги бўлими.

4. Косон шаҳар «Агробизнес» касб-хунар коллежининг Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Пробаця ва жазоларни ижро этиш бўлими 10-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги бўлими ҳисобланади.

Умумтаълим мактаблари ва касб-хунарга ўқитиш марказларида, таълим олаётган маҳкумларда умумий ва касбий маданиятга эга бўлиш, ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий-сиёсий касбда мустақил ҳолда ҳаракат қила олиш, ватан равнақини ривожлантиришга қодир бўлиш ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосан, маҳкумда умумий таълим ва касб-хунар кўникмасини шакллантиришнинг самарадорлигини оширишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлади:

– касб-хунарга доир билимлар, бадиий, илмий асарларни ўрганиш ва улардан баҳра олишда;

– изланувчанлик ва яратувчанлик қобилиятларини оширишда;

– касб-хунарга бўлган қизиқишни кучайтиришда;

– ижодкорлик ва дунёқарашни шакллантиришда мотивациясини мустаҳкамлайди.

Билим қанчалик мустаҳкам бўлса, маҳкумнинг дунёқараши, интеллектуал салоҳияти шунчалик ривожланади ва камол топади. Ҳозирги кунда маҳкумларнинг ўзлари танлаган касблари учун зарур бўлган ахборот, информацион саводхонлик даражаси таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Шунингдек, маҳкумларнинг умумий таълими ва касб-хунарга ўқитиш тизимининг самарадорлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- маҳкумларнинг билим даражаси, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли турмуш фаровонлигини белгиловчи муҳим омил эканлиги;

- инсон томонидан билимларни ўзлаштириш, инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантириш айнан таълим тизими томонидан амалга оширилиши;
- билимларнинг иқтисодий ривожланишига кучли таъсири натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омилига айланганлиги;
- мамлакатимизнинг халқаро меҳнат тақсимотида ҳамда миллий иқтисодийнинг жаҳон бозоридаги муносиб ўрин эгаллашида таълим тизими аҳамиятининг ошиб бориши ва ҳ.к.лар.

Касб-хунарга ўқитиш марказларида таълим олаётган ҳар бир маҳкумга алоҳида мураббий бириктирилади ва унинг таълим-тарбиясини доимий равишда назорат қилади, “Устоз-шогирд” анъанаси маҳкум учун озодликка чиқанидан кейин иш билан таъминланганида катта ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилинган мазкур қарорининг моҳиятини таъминлаш натижасида, 2019 йилдан 2021 йил оралиғида жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг 680 нафари умумтаълим мактабларида, 582 нафари касб-хунар ўқув курсларида (тикувчилик, пайвандчилик, рассомчилик, каштачилик, сартарошлик каби касб-хунарга) ўқитилди. Олиб борилган амалий ишлар натижасида касби бўлмаган 1 118 нафар маҳкум меҳнат бозорида талаб юқори бўлган хунарларга ўргатилиб, тегишли сертификатларга эга бўлди.

Айни вақтда, 6 та умумтаълим мактабларида ўқувчилар қуйидагича тақсимланган: 5 синфда – 5 нафар, 6 синфда – 5 нафар, 7 синфда – 12 нафар, 8 синфда – 38 нафар, 9 синфда – 25 нафар, 10 синфда – 81 нафар, 11 синфда – 51 нафар, жами 217 нафар ўқувчилар таҳсил олмоқда.

4 та марказларда 450 дан ортиқ маҳкумлар касб-хунарга ўқитилмоқда.

Айни ўзгаришлар рақамларда ифодаланса, сўнгги тўрт йилда жазони ижро этиш жойларида жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг 261 нафари тикувчилик, 216 нафари ёғоч ўймакорлиги, 167 нафари автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, 119 нафари дурадгорлик, 96 нафари пайвандчилик, 83 нафари темирчилик, 70 нафари мебелчилик, 23 нафари этикдўзлик, 18 нафари рассомчилик, 14 нафари чилангарлик, 12 нафари каштачилик, 9 нафари гиламчилик, 9 нафари тош кесиш, 4 нафари кулолчилик, 3 нафари сартарошлик, 3 нафари минатюра ранг тасвири, 7 нафари токарлик, 2 нафари электрик, 2 нафари ҳайкалтарошлик хунарларига ўқитилди.

Вояга етмаган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган тарбия колониясида жазо муддатини ўтаётган тарбияланувчилар учун “В” тоифаси бўйича ҳайдовчилик курслари ташкил этилиб, бугунги кунга қадар вояга етмаган маҳкумлардан 25 нафари “В” тоифаси бўйича ҳайдовчилик курсларига ўқитилиб, ҳайдовчилик гувоҳномаларига эга бўлди.

Бугунги кунда жазо муддатини ўтаётган шахсларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўргатиш, уларнинг касбий маҳоратларини ошириш, бўш вақтларини самарали ўтказиши ва ўз меҳнати билан оиласига ёрдам беришларини таъминлаш мақсадида муассасаларда ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилган. Мавжуд корхоналар томонидан 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Тўқимачилик маҳсулотлари ва пойабзал ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилган. Тайёрланаётган маҳсулотлар юқори сифати ҳамда таннархининг арзонлиги билан

харидорларга манзур бўлиб, уларга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб ортиб борапти.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган бу каби ишлар ўз ўрнида жазо муддатини ўтаётган шахсларни меҳнат орқали тарбиялаш ва озодликка чиққач эгаллаган касбида фаолият юритиши учун катта имконият яратиб бермоқда.